

KARORI



II " май 2011 й. г. № 130


Тошкент ш.-г. Тошкент

**"Баркамол авлод" болалар марказлари тўғрисидаги Низомни
таълиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Мақтабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2011 йил 28 февралдаги 50-сон қарорига асосан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. "Баркамол авлод" болалар марказлари тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ таълиқлансин.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 2-сон, 5-модда) билан таълиқланган Мақтабдан ташқари муассаса тўғрисида низомнинг 2-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:
"Баркамол авлод" болалар марказлари фаолиятининг хусусиятлари Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорида белгиланади".
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазирининг ўринбосари **Мирзиёев**



O'zbekiston Respublikasi
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI
Qabul № 35 BK
2011 y. 13 may

“Баркамол авлод” боғалар марказлари тўғрисида НИЗОМ

1. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига асосан “Баркамол авлод” боғалар марказлари (кейинги ўринларда «Марказ» деб аталади) фаолиятини тартибга солади.
2. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларида, ушбу Низомга ҳамда ўз Уставига амал қилади.
3. Марказ давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўз уставига, банк ҳисоб рақамига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, юридик манзили кўрсатилган штампга ва бланкаларга эга бўлади.
4. Марказ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланадиган “Баркамол авлод” боғалар марказининг намунавий ўстави асосида ўз уставини ишлаб чиқади. Устав муассис томонидан тасдиқланади.
5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари тегишли равишда Марказларнинг муассислари ҳисобланади.
6. Марказларнинг умумий фаолияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.
Республика миқёсидаги Марказлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфида, Қорақалпоғистон Республикаси Маркази Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфида, Тошкент шаҳар ва вилоятлар Марказлари тегишли халқ таълими бошқармалари тасарруфида ҳамда туман (шаҳар) Марказлари тегишли халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари тасарруфида фаолият юрताди.
7. Марказ Ўзбекистон Республикасида жорий этилган узулқисз таълим тизимининг таркибий қисми бўлган давлат мактабдан ташқари таълим муассасаси ҳисобланади, ўқувчиларга кўшимча таълим-тарбия беришга мўлжалланган.

II. Марказнинг асосий вазифалари

8. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Боғаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларида мувофиқ уларнинг ижодий ва бадиий қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг фойдали дам олишини ташкил этиш;

меҳнатсеварликни, касб тайёрлагининг дастлабки ўқув ва кўникмаларини сингдириш, фан ва техникани ривожлантиришнинг истикболли йўналишларида мувофиқ техник воситалар ва компьютер технологиялари ишнини ўрганишни ташкил этган ҳолда боғалар техник ижодкорлигини ривожлантириш;

боғалар томонидан жонажон ўлка тарихи, археологик ва маданий мерос чуқур ўрганилиши, мамлакатимизнинг табиий бойлиқлари билан таништириш ҳамда экология ва атроф муҳит муҳофазаси соҳасидаги асосий билимларни эгallaб олиш;

мактабдан ташқари таълим тизимига илгор педагогик усуллар ва методлардан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари кенг жорий этиш.

III. Марказ фаолиятини ташкил этиши

9. Марказ кўп тармоқли бўлиб, у фаолият юритадиган ҳудуднинг хусусияти, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларида кўра уларнинг ижодий имкониятларини янада ривожлантиришга қаратилган техник, бадиий ижодий, ўлкашўнослик ва экология йўналишларини ўз ичига олган ҳолда фаолият кўрсатади.

Марказ 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган боғаларга уларнинг хар томонлама камол топишлари ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун кенг имкониятлар яратади.

Марказ муассис томонидан давлат муассасаси сифатидаги ташкилий-ҳужужий шаклда ташкил этилади ва қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан рўйхатдан ўтказилади.

10. Марказ алоҳида бинода ёки умумтаълим мактаблари биноларининг алоҳида ўқув блокларида алоҳида кириш жойи билан таъминланган ва мактабдаги ўқиш жараёнига ҳалақит бермайдиган ҳолда ташкил қилинади ҳамда мустақил равишда фаолият кўрсатади.

Умумтаълим мактаблари биноларининг алоҳида ўқув блокларида ташкил қилинган Марказларда электр энергиясини ҳисобга олишнинг алоҳида приборлари ўрнатилади ва электр энергияси учун тўловлар электр таъминоти ташкилоти билан белгиланган тартибда тўзилган шарнома бўйича амалга оширилади. Қолган коммунал харажатлар эса Марказлар эгallaб турган бинонинг майдони ва ҳажмидан келиб чиқиб, умумтаълим мактабларида молния органлари билан келишув бўйича қопланади.

Шунингдек, Марказ тасарруфида сайёҳлик базалари ва ўқув тажриба-синов майдончалари ҳам ташкил этилиши мумкин.

Марказ тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда моддий-техника базасини мустаҳкамлашга оид чора-тадбирларни амалга оширади.

11. Марказда техник, бадиий ижодий, ўлкашўнослик ва экология йўналишларидаги тўғарақлар ташкил этилади.

Тўғарақлар ўз фаолиятини ўқув дастурлари асосида амалга оширади. Ўқув дастурлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги

Республика таълим маркази қошидаги тегишли илмий-методик кенгашида тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг буйруғи билан амалда таъдиқ этилади.

12. Марказда таъдиқ этилаган тўғарақ машғулотида мактабдан ташқари таълимга кўйилган давлат талабларига мувофиқ биринчи, иккинчи ва кейинги ўқув йилларида тегишли ўқув дастурлари асосида, хусусан, техник, бадиий ижодий, ўлкашунослик ва экология йўналишлари бўйича гуруҳларга бўлиб ўтказилади.

Тўғарақ машғулотида ўқув дастурлари талабларига кўра бутун ўқув йили учун ҳамда кичикроқ муддатларга ҳам таъдиқ этилади.

Тўғарақ машғулотида ўқув йилининг 15 сентябридан бошланиб 25 майда якунланади. Ёзги таътил кунлари учун алоҳида мавсумий режалар тузилади.

Марказнинг тўғарақ машғулотида жадвали тўғарақ аъзолари учун қулай тартибда, уларнинг ёши, психологик хусусиятлари ва санитария-гигиена нормалари инобатга олинган ҳолда педагогик ходимларнинг таъдиқномага кўра мазмурият томонидан тузилади ва тасдиқланади.

13. Марказда тўғарақ машғулотида таъдиқ этилиши учун ҳафтада 6 академик соат ажратилади. 6 ёшли болалар учун олиб бориладиган тўғарақ машғулотида вақти 35 дақиқа этиб белгиланади ва у ҳафтада 2 академик соатдан ошмаслиги лозим.

Марказда ҳар бир гуруҳдаги тўғарақ аъзоларининг сони биринчи ўқув йилида 10 нафардан, иккинчи ва ундан кейинги ўқув йилларида эса 8 нафардан кам бўлмаслиги лозим.

Тўғарақлар ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, махсус ўқув дастурлари асосида биринчи ва иккинчи ўқув йилларидан кейинги ўқув йиллари учун ҳам таъдиқ этилиши мумкин. Махсус ўқув дастурлари мазкур Низомнинг 11-бандида белгилаган тартибда тасдиқланиши зарур.

14. Марказ таътил пайтларида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, дам олишларини тўлақонли амалга ошириш мақсадида муассасалар ва маҳалларда (овулларда) ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан ҳамкорликда турли йўналишдаги оммавий таъдиқларни таъдиқ этиши мумкин.

15. Марказ томонидан ўқувчиларга кўшимча таълим олганлиги тўғрисида ушбу Низомга илова қилинган намунадаги шаклда тўғрисида берилади.

16. Марказ тегишли халқ таълими органлари билан келишган ҳолда ўз йўналишлари бўйича умумий ўрта таълим мактабларида таъдиқ этиладиган тўғарақлар фаолиятига амалий-услубий ёрдам кўрсатади.

17. Марказ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари билан ҳамкорликда ходимларнинг малакасини оширишни таъминлайди, илгор таъдиқлар асосида тўғарақ ўқув дастурларини тузиш ва таъдиқлаштиришга оид ишларни олиб боради.

Марказ ўқув йили натижалари бўйича тўғарақ аъзолари билан, кўникма ва малакаларининг мактабдан ташқари таълимга кўйилган давлат талабларига

мослигини сўровномалар, семинарлар, кўрик-танловлар, мусобақалар, тестлар ва бошқа шаклларда мунтазам назорат қилиб боради.

Марказ ўрнатилган тартибда вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари, илмий-таъдиқ институтлари, ижодий уюшмалар, жамағатлар, бошқа таъдиқчилар, маҳаллар (овуллар), ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан узвий ҳамкорликда иш олиб боради.

IV. Таълим жараёни штирокчилари

18. Тўғарақ аъзолари, ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ва педагог ходимлар Марказ таълим жараёнининг штирокчилари ҳисобланади.

19. Тўғарақ аъзоларининг ҳуқуқлари қўйиладиган иборат:

Марказда ихтиёрий равишда мактабдан ташқари таълимга кўйилган давлат талаблари асосида таълим олиш;

қизиқишларига кўра тўғарақ турини танлаш;

бир неча тўғарақларда катнашиш, йил давомида қизиқиш ва истақларига қараб бўш ўринлар мавжуд бўлса бошқа тўғарақларга ўтиш;

инсоний кадр-қимматининг ҳурмат қилиниши, виждон эркинлиги, ахборот эркинлиги, ўз қарашлари ва эътиқодини ифодалаш;

Марказнинг жамоатчилик органларини сайлаш ва уларга сайланиш;

Марказнинг иш фаолиятини таъдиқлаштиришга оид таъдиқлар киритиш.

20. Тўғарақ аъзоларининг мажбуриятлари қўйиладиган иборат:

конун ҳужжатларига риоя қилиш;

Марказнинг моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш ва уни асраб-авайлаш;

Марказ Устави ва ички тартиб-қоидаларига, ахлоқий ва маънавий нормаларга риоя қилиш.

21. Ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фарзандлари учун тўғарақ турини танлаш;

Марказ мазмуриятининг мазкур муассаса Уставига мувофиқ зарур шарт-шароитларни яратилиши талаб қилиш;

бола шахсига ҳурмат билан муносабатда бўлиши талаб қилиш;

Марказни жамоатчилик асосида бошқаришда иштирок этиш.

22. Ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) мажбуриятлари:

фарзандининг жисмоний ва руҳий соғлом бўлиши учун ҳамхўрлик қилиш;

боланинг кадр-қимматига ҳурмат билан қараш, уни меҳнатсеварлик, эзгулик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;

фарзандида конунларга итоаткорлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат туйғусини тарбиялаш;

фарзандига тўғарақ машғулотида иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиш;

ота-она тўғрисида белгилаган тартибда ўз вақтида тўлаб бориш.

23. Марказнинг педагог ходимлари куйидаги ҳуқуқларга эга:
ўз касбий шайни ва кадр-кимматини химоя қилиш;

Марказни бошқаришда иштирок этиш;

Марказ маъмуриятига тўғрақлар фаолиятини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

касб фаолияти учун шароитлар билан таъминланиш, малакасини ошириш, қайта тайёрларлиқдан ўтиш, таълим шакли, услуби ва воситаларини танлашда ташаббус кўрсатиш.

24. Марказнинг педагог ходимлари куйидаги мажбуриятларга эга:

мактабдан ташқари таълимга кўйилган давлат талаблари ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқланган ўқув кўлланимлари ва дастурлари асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;

педагог ахлоқ-одобига қатъий риоя қилиш;

ўқув-тарбиявий ишларни юқори савияда олиб бориш, таълим мазмунини такомиллаштириш, ўқитиш воситаларини яратишда фаол катнашиш;

боланинг кадр-кимматига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларда меҳнатсеварлик, эзгулик, меҳр-шафқат каби фазилатларни шакллантириш, она Ватанига садоқат, давлат тилига, миллий ва умминсоний, тарихий ва маданий қадриятларга, ота-онага ва ўзидан катта ёшдагиларга ҳурмат, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

ўзининг назарий билим даражасини, педагогик маҳорати ва касб малакасини ўзлуксиз равишда ошириб бориш ва ўз устида мунтазам ишлаш;

ўқув-тарбиявий ва услубий ишларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

ўқувчиларнинг ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.

У. Марказда педагогик фаолият билан шугулланиш

25. Олий таълим муассасалари ва касб-хунар коллежларининг тегишли маълумотига ҳамда касбий тайёрларлиқка, юксак ахлоқий фазилатларга эга шахслар Марказда педагогик фаолият билан шугулланишга ҳақли.

Шунингдек, зарур ҳолларда, тегишли педагогик маълумотга эга бўлмаган, ammo касбий тайёрларлиқка ва юксак ахлоқий сифатларга ҳамда "Уста", техник ва сайёҳлик соҳаси бўйича "Спорт устаси" ёки "Спорт усталитига номзод" мақомига эга бўлган шахслар ҳам Марказда педагогик фаолият билан шугулланишга жалб қилиниши мумкин.

26. Марказда тўғрақ машғулотида ўтказишга асосан умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари 0,5 ставка бўйича ҳисоб-китобдан келиб чиқиб контракт асосида жалб этилади.

27. Суд ҳукми билан ёки тиббий ҳулосага кўра педагогик фаолият билан шугулланиши тақиқланган шахсларнинг Марказда ушбу фаолият билан шугулланишига йўл қўйилмайди.

Марказ педагог ходимларининг фаолияти ўқувчилар шахсини, уларнинг маданий савиясини, фаоллигини, мустақиллигини, масъулиятлигини, онгли,

интизомли, уюшқок ва тартибли бўлишини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши лозим.

28. Марказ тўғрақ раҳбарларининг ҳафталик иш юкламаси 18 соатни ташкил этади.

VI. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

29. Марказ куйидаги ҳуқуқларга эга:

Марказ ходимлари ва тўғрақ аъзоларидан муассасанинг Устави ва ички тартиб қоидаларига риоя этилишини талаб қилиш;

тўғрақ машғулотида ўтказишни такомиллаштириш ва таълим жараёнини методик таъминлаш бўйича таклифлар киритиш;

молиялаштиришнинг конун ҳужжатларида тақиқланмаган турли манбалари ҳисобига бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш.

30. Марказнинг мажбуриятлари:

ҳалқ таълими органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, кўрсатмаларини бажариш;

ўз Уставида назарда тутилган вазифаларни ижро этиш;

мактабдан ташқари таълимга кўйилган давлат талаблари, ўрнатилган тартибда тасдиқланган ўқув кўлланимлари ва дастурлари асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;

ўқувчиларнинг мактабдан ташқари таълимга бўлган эҳтиёжини ўраниш, назарда тутилаётган тўғрақ аъзолари контингентини аниқлаш;

ўқув режасини тегишли ҳалқ таълими органлари билан келишиш;

таълим-тарбия жараёнини ўрнатилган тартибда санитария-гигиена нормаларига ва хавфсизлик қоидаларига мувофиқ ташкил этиш;

Марказнинг молдй-техник таъминоти ва кадрлар салоҳиятини ривожлантириш;

тўғрақларни ташкил этишда тўғрақ аъзоларининг ёши, рухий-физиологик ҳолати, даёқати ва қизиқишларини инобатга олиш.

VII. Марказни бошқариш

31. Марказга ўрнатилган тартибда муассис томонидан тайинланган директор раҳбарлик қилади.

32. Педагогик кенгаш Марказда ўзини-ўзи бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади.

Марказнинг педагогик жамоаси тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан Педагогик кенгаш таркибинин сайлайди, уларнинг ваколатлари ва мудлатини белгилайди.

Педагогик кенгаш йиғилиши Марказ фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш, унинг фаолияти сифат ва самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини белгилайди.

Педагогик кенгаш йиғилиши йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади.

33. Ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш ва тақомиллаштириш, педагогик ходимларнинг касб маҳоратларини ва ижодий ўсишларини куचाйтириш мақсадида Марказда педагогик ходимларни бирлаштирувчи жамоавий орган – услубий кенгаш тузилади.

Услубий кенгаш раиси педагогик ходимлар жамоаси томонидан сайланади.

Услубий кенгаш ўқув режалари, дастурлари, ўқув кўланмаларини янги педагогик технологиялар асосида жорий этиш йўлларини муҳокама қилади, педагогик ходимларнинг ижодий ташаббусларини кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш, илгор тажрибаларни оммалаштириш ишларини ташкил қилиш юзасидан қарорлар қабул қилади.

VIII. Марказнинг мол-мулкни ва пул маблағлари

34. Муассис ёки ваколатли давлат органи Марказга мол-мулкни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бириктиради.

Марказ ўзига бириктирилган мол-мулкни ва харажатлар сметаси бўйича ўзига ажратилган маблағлар ҳисобига сотиб олинган мол-мулкни қонун ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади.

Марказ фаолияти давлат бюджети ва бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Куйдагилар марказнинг мол-мулкни ва молиявий ресурсларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар;

ота-оналар тўловлари;

қонун ҳужжатларида тақкиланмаган бошқа манбалар.

35. Марказ аҳолига, турли ташкилотларга пуллик таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатишга, шунингдек, қонун билан тақкиланмаган, муассасанинг асосий фаолиятига салбий таъсир кўрсатмайдиган бошқа тегишли фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли.

Куйдагилар Марказ маблағларининг кўшимча манбалари ҳисобланади:

Ўқувчилар ва педагог ходимлар томонидан ўқув жараёнида тайёрланган буюм ва маҳсулотларни белгиланган тартибда сотилган тушган маблағлар;

асосий машғулотлардан ташқари пайғда, таълим-тарбия жараёнига таъсир этмаган ҳолда, бўш турган бино ва иншоотлар, ўқув жиҳози ва асбоб-ускуналарини белгиланган тартибда ижарага беришдан тушган маблағлар;

эскирган ва яроқсиз ҳолга келган ускуналарни белгиланган тартибда рўйхатдан чиқариш орқали тушган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

бошқа тушумлар.

36. Педагог ходимларни муқофотлаш белгиланган тартибга кўра амалга оширилади.

37. Марказнинг моддий-техника базаси ерларни, биноларни, кутубхоналарни, спорт залларини, коммуникация, машина ва ускуналарни,

транспорт воситаларини ҳамда таълим ва тарбия жараёнида фойдаланиладиган бошқа анжомларни ўз ичига олади.

IX. Халқаро ҳамкорликда қатнашиш

38. Марказ қонунчиликка белгиланган тартибда мактабдан ташқари таълим бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиши мумкин.

X. Яқиний қонда

39. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ва тугатилиши мумкин.



Ўзбекистон Республикаси
гебхи

О‘zbekiston Respublikasi
«Баркамол авлод» болалар марказида
мактабдан ташқари та’лим ҳақида

ГУВОҲНОМА
МТ № _____

(o‘quvchining familiyasi, ismi, shartli)

(Respublika, viloyat, tumen, shahar nomi)

«Баркамол авлод» болалар марказида

20 ____ yil (kun) ____ (oy) _____ dan – 20 ____ yil (kun) ____ (oy) _____ gacha

(o‘zgarak nomi)

to‘g‘ariyida maktabdan tashqari ta’limga qo‘yilgan davlat talablari asosida ta’lim oldi.

Milr o‘rni _____ Markaz direktori _____ (imzo) _____ (familiyasi, ismi) _____

Sana: _____ Qayd raqami: _____

Гувоҳнома тавсифи

“Баркамол авлод” болалар марказида
мактабдан ташқари таълим ҳақида давлат намунасидаги
ГУВОҲНОМА

“Баркамол авлод” болалар марказида мактабдан ташқари таълим ҳақидаги гувоҳнома А4 форматли қалин оқ қоғозда тўрт хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун - қора рангда, расмлар тасвири учун - яшил, кўк, қизил рангларда чиқарилади.

Варакнинг юқори қисмидан 20 мм чекинган ҳолда диаметри 46 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат қисмида қойлаштирилади. Варакнинг икки ён тарафидан 15 мм ва куйи қисмидан 15 мм қалқонланган тасманинг эни 6 мм ни ташқил этади.

Варакнинг қолган қисмида лотин ёзуви билан давлат тилида “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA «Баркамол авлод» болалар марказида мактабдан ташқари та’лим ҳақида ГУВОҲНОМА” ёзувлари боёқланади. Гувоҳномага икки лотин харфи - МТ ва тартиб рақами қўйилади.

